ИЖТИМОИЙ – СИЁСИЙ ГАЗЕТА

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК

1925 йилдан чиқа бошлаган

Туркистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 7 сентябрь Шанба.
№ 63 (14361)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ВА ИЧКИ ҚЎШИНЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ВА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси Қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1969—1978 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1996 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 6 сентябрь

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

5 сентябрда Ўзбекистон РеспубликасиОлий Мажлиси Раиси Э. Халилов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясининг вице-президенти, ГФР бундестаги депутати Вилли Виммерни қабул қилди.

ЕХҲТ ҳамда Парламент Ассамблеяси томонидан можароларга барҳам бериш юзасидан илгари сурилган тинчлик ташаббусларига доир, шунингдек, парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш масалалари суҳбат чоғида муҳокама этилди.

Суҳбатда ГФРнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Р. Биндзайль иштирок этди.

ЎН БЕШ ЁШЛИ ТАЛАБА

Муаллиф ҳақида мухтасар сўз:
Авазбекнинг ёши 18 да. «Туркистон»да ишлаш билан бирга ТошДУнинг II курс толиби. Орзуси — зўр журналист бўлиш. Армонлари ҳозирча сир. Тан бергани: ақл ёшда эмаслиги...

* * *

Куз очиб юмгунча янги ўқув йилининг биринчи ҳафтаси ҳам тугаб қолди. Шу ҳафта ичида эшитганим зур янгилик — Умиданинг Узбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети талабаси бўлгани. Инглиз филологияси факультетидан 15 ёшли талабани топиш қийин бўлмади.

— Умида, аввало талабалик муборак. Бу кунга етгунча қийин бўлмадими?

— Раҳмат. Тўғрисини айтсам, ҳужжат топширган кундан бошлаб то тест жавоблари чиққунча анча хавотирда юрдим. Гарчи имтиҳон топшириш унчалик қийин кечмаган бўлсада, иккиланиш деган нарса одамни тинч қўймас экан. Лекин, худога шукр, талаба ҳам бўлдик, бир ҳафта ўқиш ҳам ортда қолди — хурсандман.

— Тест саволларини ечаётиб нималарни ҳис қилдингиз?

— Уша куни, эсласам, ҳали ҳам кулгим келади, имтиҳонга кеч қолмайлик деб, ойим, мен, укам — уччаламиз шунчалик эрта бориб олибмизки, биздан бошқа ҳали ҳеч ким келмаган экан. Имтиҳон бошлангач эса, ҳаво унчалик иссиқ бўлмаса ҳам, негадир терлаб кетдим. Бу тестни «Пешона терим билан бажардим» дегани бўлса керак.

— Неча балл олдингиз?

— 191,7 балл, 450 киши орасида 75-ўрин.

— Собиқ синфдошларингиз ҳам турли олийгоҳлар талабалари бўлишди. Улардан қайсиларига ҳавас қиляпсиз?

— Рости, Шарқшуносликка, араб филологияси факультетига кириш ниятим йўқ эмасди. Лекин қўрқдим. Лицейдан 14 ўқувчи шу университетга ҳужжат топширдик ва 13 нафар киши талаба бўлдик. Шу кунларда ўзимга ўзим ҳавас қилаяпман, десам тўғрироқ бўлади.

— Абитуриентлигича қолиб кетган тенгдошларингизга тилагингиз.

— Дугона дейми, ўртоқми, қуйиниш шартмас. Тўғри, мен ҳам қайсидир бир абитуриентнинг йиқилишига сабабчиман. Мен бўлмаганимда, ўрнимга бошқаси кирарди-ку! Лекин айтиб қўяй, бир йил киролмаслик фожеа эмас. Барчага кейинги йилда омад тилайман.

— Мустақиллик байрамига боргандирсиз. Қалай, мазза қилдингизми?

— Йилда битта муҳим тантана бўлади — Мустақиллик! Фақат шу кун учун тайёрланган ўриндиқда бўлиш менга ҳам насиб этди. Ростдан жуда мароқ билан томоша қилдим. Ҳаттоки, охирида совқотсак ҳам, турли-туман мушакларни отилишини томоша қилиб бўлгунча кетмай турдик.

— Оилангиз ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Оилада уч фарзандмиз, мен ва икки укам. Бири 7, бири 1-синфда ўқишади. Ойим шаҳардаги 114-мактабда тил адабиётдан дарс берадилар.

— Сиз ҳам уша мактабда ўқигандингиз, шекилли, онангиз сизга ҳам дарс берганмилар?

— Ҳа, негадир менга ҳеч баҳо қўйишни истамасдилар. Менимча, баҳога лойиқ жавоб бергандим. Атайлаб шундай қилгандирлар-да!

— Бу ёғи турт йиллик ўқиш. Битиргач қайси касбни эгалламоқчисиз?

— Бадиий таржимон бўлсам керак...

Умида Мирзаерова 114-мактабнинг 6-синфини тамомлагач, Алишер Навоий номидаги Нафис Санъат лицейига ҳужжат топширади. Аслида у ерга 8-синфни тамомлаган ўқувчилар қабул қилинсада, имтиҳондан яхши ўтгани учун бу қиз ҳам лицейнинг 9-синфига қабул қилинди. Икки синфни ўқимай ўзлаштириш, бунинг устига урта мактабдан лицейга икки синф фарқи билан ўтиш — чинакам иқтидор. Кўринадики, чиндан-да ақл ёшда эмас.

«Туркистон» мухбири Аваз БЕРДИҚУЛОВ суҳбатлашди.

ДАВР САДОСИ

4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида Миллий Хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисда БМТ шафелигида «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида 1996 йил августида Шимолий Каролина штатида (АҚШ)ўтказилган «Кооператив оспрей — 96» ҳарбий машқларида Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг тинчлик ўрнатувчи батальони (Марказий Осиё батальони) иштироки якунлари, шунингдек, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги байрами тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда бу байрамнинг халқаро аҳамияти, Марказий Осиё давлатлари интеграциясининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди.

***

Президент Ислом Каримов 4 сентябрь куни «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари билан учрашди.

Мулоқот чоғида одамлар қалбида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масалалари хусусида гап борди.

***

Матбуотда Узбекистон Республикасининг «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни эълон қилинди.

***

Узбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 5 сентябрь куни мамлакатимизга амалий ташриф буюрган Қирғизистон Республикаси Бош вазири Апас Жумагуловни қабул қилди.

Президент И. Каримов ўзбек ва қирғиз халқларининг дўстлиги ва биродарлиги тарихий илдизларга эгалигини, бу азалий алоқаларни янада ривожлантириш халқларимизнинг манфаатларига мос тушишини, уларнинг хоҳиш-иродасини ифодалашини таъкидлади.

Узбекистон эришаётган ютуқларга ҳавас қиламиз, — деди жумладан А. Жумагулов. — Ислоҳотларни амалга оширишда мустаҳкам асос, пухта дастур билан оғишмай олга юриш шундай ижобий натижалар берди. Биз ҳам ўз фаолиятимизда Ўзбекистон тажрибасини инобатга оламиз.



«Камолот» — ёшлар таянчи

ЮЗМА-ЮЗ

Ёшлар Президентимиз И. Каримовнинг Олий Мажлиснинг VI сессиясидаги маърузаларини ўқиб-ўрганмоқдалар

«Қизил тонг» ҳиссадорлик жамияти меҳнат аҳлининг Олий Мажлис депутати, Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Х. Абдураимов билан учрашуви бўлди. Х. Абдураимов корхона ишчи ва хизматчиларига Олий Мажлиснинг олтинчи сессияси якунлари, унда Президент Ислом Каримов нутқида илгари сурилган вазифалар ҳақида сўзлаб берди.

Жамғарма раҳбари йиғилганларга сессияда мамлакат мустақилликка эришгандан сунгги йилларда Узбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва халқаро ҳаётида содир бўлган ўзгаришларга якун ясалгани, ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим вазифалари, чунончи, суд ислоҳотини чуқурлаштириш, одил судлов тизимини демократиялаштириш, ҳуқуқий давлатни қарор топтиришга оид бошқа қатор масалалар юзасидан Президент нутқида айтилган хулосалар ва вазифаларнинг мазмуни тушунтириб берди.

Олий Мажлис депутати Президентнинг ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб етишишлари йўлида кўрсатаётган ғамхўрликларига алоҳида тўхталиб ўтди. Аслида мустақиллик шарофати билан тузилган «Камолот» жамғармаси ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб олиши, навқирон авлодда Ватанга меҳр-муҳаббат, истиқлолни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш мақсадларига хизмат қилажагини билдирди.

Дарҳақиқат, жамғарма ташкил этилганидан буён ўтган қисқа муддатда ҳам у истеъдодли ва ташаббускор ёшларни қуллаб-қувватлаш, уларнинг бош вақтларини намунали ўтказиш, иш билан банд қилиш каби долзарб масалаларда кўплаб хайрли тадбирларни амалга оширди. Барча вилоятларда «Камолот» — бандлик» хизмати ташкил этилди, янги кичик корхоналар тузилди. «Камолот» ёшлар бошлаган ҳар қандай ибратли ташаббусларни тезда илғаб олиб, уни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштиришга бош-қош бўлмоқда.

Албатта, ёшлар ўз ҳузурларига «Камолот» жамғармасининг раҳбари келганлигидан фойдаланиб, унга янги ташкилотнинг мақсад ва вазифалари, ўтган қисқа даврда амалга оширган тадбирлари ҳақидаги саволлари билан ҳам мурожаат қилдилар.

Учрашувда «Қизил тонг» ҳиссадорлик жамияти бош директори Х. Акбаров, цех касаба уюшма ташкилотчиси К. Акобирова, ишчи Т. Ғуломов, цех бошлиғи О. Тиллаева ва корхона касаба уюшма қўмитаси раиси М. Одилова сўзга чиқдилар.

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

К. ЎЛМАСОВ суратлари.

Самарқанддан хабарлар

Ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида барча туман ва шаҳарларда «Бўш ишчи ўринлар» ярмаркаси ўтказилди. Уч ҳафтадан кўпроқ давом этган бу тадбирда вилоят бўйича 942 нафар ёшлар ишга ва ҳунар ўрганишга жойлаштирилди.

* * *

Миллий кураш бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Унда Самарқанд шаҳар спортчилари жамоалар ўртасида биринчи ўринни эгалладилар, турли вазнлар бўйича А. Муродов, О Илясов, Х. Дўстов ва И Тоштурдиевлар эгалладилар. Барча ғолибларга «Камолот» жамғармаси вилоят бўлимининг совринлари топширилди. «Камолот» жамғармасининг бош соврини Ургут туманидан Х. Каримовга насиб этди.

* * *

«Ёшлар ва матбуот» мавзусида вилоят, туман ва шаҳар рузномалари ёш мухбирлари ва жамғарма фаоллари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Унда ёшлар муаммоларини матбуотда кенг ёритиш, иқтидорли ёшларни қуллаб-қувватлаш масалалари кенг муҳокама этилди.

«КАМОЛОТ» БОЛАЖОНЛАР ҲУЗУРИДА

Болалар қалбига йўл топиш... Бу осонми, қийинми? Андижон вилоятида «Камолот» жамғармасидагилар уйланиб ўтиришмади. Мустақиллик байрами арафасида улар ҳузурига болаларнинг севимли эртак қаҳрамонлари, қўғирчоқ фильмлари билан кириб боришди.

Вилоятдаги «Меҳрибонлик уйи»да ва 1-болалар шифохонаси даволанувчилари ҳузурида намойиш этилган «Лола» қўғирчоқ театрининг «Шумтака тулкича» спектаклини болалар жуда яхши қарши олдилар.

Бундан ташқари «Мустақиллик тўғрисидаги энг яхши шеър учун» танлови ғолибларига «Камолот»нинг эсдалик совғалари топширилди.

«Меҳрибонлик уйи»нинг тарбияланувчиларига эса янги ўқув йили учун керакли бўлган барча мактаб анжомларини ҳам худди шу жамғарма тортиқ қилди.

Шундай қилиб, байрам нафаси кезиб юрган Андижонда ҳам қўнгли ярим болаларнинг қўпчилиги қувончига қувонч қўшилди. Болалар қалбига йўл топиш эса «Камолот»чилар дастурининг асосидир.

Муҳаббат ОТАМИРЗАЕВА.

Дил изҳори

МУРОД МИРЗОГА МАСЛАҲАТ

Салом ўғлим Муроджон! Сенинг 12 ёшингда талаба бўлганингни «Туркистон»газетаси саҳифасидан ўқиб, сенга маслаҳат мактуб ёзишни лозим топдим.

Муроджон, сен ҳали жуда ёш, ҳаёт сўқмоқларини илк пиллапояларида юрибсан. Олдинда тўсиқлар жуда кўп. Бу тўсиқларни сен оғир-босиқлик билан босиб ўтмоғинг керак.

Мен ҳам 1938 йил 15 ёшимда институт толиби бўлган эдим. У пайтда бу ёшда талабаликка қабул қилинмаганлиги боис, ёшимни бир ёшга катта қилиб, гувоҳномамни қайта тўғрилашга мажбур бўлгандим. Бахт менга уша йили ярим насиб этган экан. Отам туҳмат балосига учраб қамоққа олинди. Оиладан барака кетди. Мен толиб сифатида керакли китобларни сотиб олишим зарур эди. Пул эса йўқ. Эсимда иккинчи курслигимда уч сўмлик зарур китобни олиш учун ўн кун пиёда, транспортга чиқмасдан Себзордан Бешёғочгача пиёда боргандим. Ҳаммаси ортда қолган бўлса-да, бугунги кунда талабаларимизга яратилган шароитларни кўриб, кўзим қувониб, 50 йил бурун ўтган толиблик даврларимга ачинаман.

Муроджон ўғлим, биз кўрган кунларни илоё сен кўрмагин. Сенга маслаҳатим битта. Ёшликда куч-қувватинг борлигида ўқи, ўрган. Ҳар битта дақиқанинг олтиндан-да қимматлигини доим ҳис этиб тур. Улуг боболардан мерос Ватанни сев, ардоқла. Шундай қулайликлар, меҳрибончиликлар учун халқинг, миллатинг, Президентинг олдида доим қарздорлигингни унутма.

Сен Оллоҳ насиб этган 17 ёшингда тенгдошларинг балоғатлик ҳужжатини қўлларига олганларида сен қўшалоқ ҳужжат Олий дорилфунуннинг дипломини ҳам оласан. Муроджон, сенинг издошларинг кўпаяверсин.

Сенга бахт ва омад тилаб, 50 йилдан ортиқ фан соҳасида ишлаб келаётган

Ҳикмат СОБИРОВ,
Иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ҳаваскорлар, сизлар учун

ШЕЪРИЯТ МАКТАБИ

Ёшлар эртанги кунимиз ворислари, умид-орзуси, келажагимиз бунёдкорлари; бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Давлатимиз ва шахсан Президентимиз томонидан республикамиз ёшларига алоҳида аҳамият берилаётгани бежиз эмас, Бу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ ёшларимизни ижтимоий ва сиёсий ҳаётимиздаги ўрни тобора ўсиб-ортиб бораётир. Айни вақтда уларга барча имтиёзлар ва имкониятлар майдони яратилянти. Зеро, маънавиятсиз истиқбол ҳам йўқ.

Келаётган қўплаб мактубларни ўқиб ёки бевосита мурожаат учун келган ёшларимизни тинглаб, қайта-қайта бунга амин бўлмоқдамиз. Уларнинг аксарияти заҳматли ижод йўлида қалам тебратишга эндигина азм қилган ижодкор ёшлардир.

Таҳририятимиз шундай ижодкор ёшларга, уларнинг ижодий интилишларига яқиндан ёрдам беришга жазм этди. Шу мақсадда «Туркистон» газетаси қошида «Шеърият мактаби» ташкил этилди. Узбек шеъриятининг ардоқли вакиллари булмиш Э. Воҳидов, Тўлқин, Сайёр каби шоирларимиз бир пайтлар Ғайратий домланинг шеърий мактабидан сабоқ олганлари каби, не тонгки, «Туркистон» шеърият мактабининг ўқувчилари ҳам XXI аср адабиётининг яратувчилари бўлиб етишишса...

Шундай қилиб, «Туркистон» рузномаси қошида очилган «Шеърият сабоқлари» мактаби Рауф Парфи бошчилигида ўз ишини бошлади. Мактабнинг асосий мақсади: шеърият азмида илк қалам тебрата бошлаган ёшларимизга бевосита маслаҳатлар ва кўрсатмалар бериш, уларнинг шеърий машқларини ўрганиб, нашр-ваффақиятли қатнаша бошлаган ёш қаламкашларнинг ижод намуналари мунтазам босиб борилади. Шунингдек, бу мактабда сиз ҳозирги шеъриятимизнинг ардоқли шоирлари билан учрашиб, фикр алмашиш имкониятига эга буласиз.

Қадрли шеърият шайдолари! Сиз бизга мактуб орқали ёхуд телефон орқали мурожаат этишингиз мумкин.

«Шеърият сабоқлари» мактаби сизни ҳар ойнинг биринчи пайшанбасида «Туркистон» таҳририятида кутади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32, «Туркистон» газетаси, 5-қават, 507-хона. Тел: 33-79-69, 36-54-64.

«ТУРКИСТОН» ГАЗЕТАСИ ҒОЛИБЛАРИ

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги муносабати билан «Туркистон» газетаси таҳририяти «Гуллаётган диёр» танловини эълон қилганди. Танловнинг шартлари Узбекистоннинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётида оламшумул ўзгаришларни, республикада ёнилғи-энергетика, галла мустақиллигини қўлга киритиш бўйича қилинаётган бунёдкорлик ишларини тараннум этиш эди.

Танловга тақдим этиладиган мақола, очерк, репортаж, фоторепортаж, суҳбат, ҳикоя, шеър ва достонларда мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши учун ёшларимиз амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари мадҳ этилиши, шу азиз юртни Ватан деб билган ҳар бир кишини муқаддас диёр ҳимояси ҳамда буюк келажак йўлида мард ва фидойи бўлишига чорлаши лозим эди.

Танловга республикамизнинг турли бурчакларидан кўплаб турли жанрларда ёзилган асарлар келди. Энг муносибларини газета саҳифаларида чоп этдик.

Танлов ҳайъати конкурсга келган асарларни кўриб чиқди. Ва қуйидагиларни ғолиб деб топди.

I — МУКОФОТ

«Демократия — маънавият қўзгуси» (1996 йил 23 май, 1,5 июнь сонлари) муаллиф Нарзулла ЖУРАЕВ).

2 —МУКОФОТ

«Хумо» саҳифаси учун. ТошДУ ҳалқаро журналистика факултети IV-курс талабаларига (1996 йил 19 июнь)

3 — МУКОФОТ

«Ким сени мақтайди, мен мақтамасам» Одил шоир Эргашев (1996 йил 10 июль)

«Мерос» (очерк) (1996 йил 7 август) Муаллиф Ортиқали НОМОЗОВ.

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР:

«Бахт ўз хонадонингдан бошланади». Муҳтарама УЛУҒ қизи (1996 йил 24 июль)

«Суратқаш нигоҳида — Атланта». Алишер РИСҚИЕВнинг туркум суратлари.

«Эҳтиёж. Эътибор. Эътироф». (1996 йил 26 июль). Зайниддин РИХСИЕВ.

«Кўкдумалоқликлар» (1996 йил 23 июль). Муаллифлар: Ж. ХУШБОҚОВ, Қ. ФОЗИЛОВ.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори эълон қилинганидан буён 4 ой ўтди. Жамғарманинг илк қадамлари тўғрисида ўз мухбиримиз Янгибой Кўчқоров «Камолот»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бир қатор туман бўлимлари раислари билан суҳбатлашди.

Мухбир:— Президентимизнинг «Камолот» жамғармаси ҳақидаги Фармони наинки бугунги кун, балки истиқболни кўзлайдиган муҳим ҳужжат бўлди. Жамғарманинг жойлардаги дастлабки иш фаолияти қандай кечмоқда?

Рашид Айтмуродов,
«Камолот» жамғармаси Қўнғирот тумани бўлими раиси:

— Менинг фикримча, жамғарманинг бугун тизимида ташкилий жараён, шаклланиш, яқин истиқбол дастурини белгилаш жараёни кечмоқда. Албатта, бу ишлар бирданига силлиқ кетаётгани йўқ. Масалан, туманларда иш ҳали қунгилдагидек кетмаётир. Бироқ бир нарсани мамнуният билан айтишим мумкинки, яқинда Нукус шаҳрида утказилган йиғилишдан кейин «муз қучди»!

Ҳар бир туманнинг ўзига хос иқтисодий-ижтимоий йўналиши бўлади. Бизнинг туманимиз ҳам бундай йўналишга эга. Мазкур йўналиш асосан Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат. Туман бу вазифани баҳоли қудрат уддаламоқда. Тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очиб берилмоқда, тадбиркор ва ишбилармонлик тизимида ёшлар фаол қатнашмоқда.

Туманда «Камолот» жамғармаси жамоатчилик марказларининг сони 20 га етди. Айниқса, «Чуртанбой» ижара хўжалигидаги жамоатчилик марказлари дастлабки қадамларидан бошлаб, ёшларни ўз атрофларига йиғиб, қизғин иш бошладилар. 16-сон «Оқмангит» лицейи тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

Мухбир: — «Камолот» жамғармасининг Республика, шаҳар, туман бўлимлари иши юқори савияда ташкил этилиши мумкин. Аммо унинг жойлардаги жамоатчилик марказларининг шаклланиши ва фаоллигига ҳам кўп нарса боғлиқ!

Шоназар Кенжаев,
«Камолот» жамғармаси Элликқалъа туман бўлими раиси:

— Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг тенгдоши Ислом Каримов яшайди. Беш ёшга қадам қўяётган бу жажжи инсонга бобоси, ота-онаси юртбошимиз ҳурмати учун Ислом деб исм қўйишган.

Ана шундай думбоқчалар мамлакатимизнинг келажагига эгалик қиладилар. «Камолот» жамғармаси келажакни кўриб, чуқур ўйланиб таъсис этилган ноҳукумат ташкилоти. Шу боис биз биринчи навбатда ўз уринбосарларимиз камолига жиддий аҳамият беришимиз лозим. Албатта, бу ўринда ҳам кўп нарса маблағ масаласига боғлиқ.

Халқимизда «Қўлдан берганга қуш тўймас» деган гап бор. Бу гап билан кўп сонли ҳомийларимиз бера бошлаган ёрдам аҳамиятини сусайтирмоқчи эмасман. Энди биз ҳомийларимизнинг маблағини янада кўпайтиришимиз, шу жамоалар ёшларининг тарбияси, бўш вақтини ташкил этиш, касбга йўналтириш, ўқитиш ишларига сарфлашимиз лозим!

Мухбир: — Тўғрисини айтиш керакки, ҳамма жойда ҳам «Камолот» жамғармасининг ишлари талаб даражасида кетаётгани йўқ...

Ойбек Худойберганов,
«Камолот» жамғармаси Турткўл туман бўлими раиси:

— Тан олишимиз керакки, дастлабки иш фаолиятимизда айрим камчиликларга ҳам йўл қўймоқдамиз. Бу ҳақда яқинда Нукус шаҳрида утказилган йиғилишда рўй-рост айтилди. Мазкур танқидий мулоҳазалардан тегишли хулосалар чиқариб олдим. Туманимизда 97 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Ёш фуқаролар ана шу аҳолининг асосий қисмини ташкил этади. Жамғарма ёшларимизга ҳаётда урин топиб олишларига кўмаклашиши керак. Қайд қилинганидек, бу жараён ташкилий- оммавий босқични бошидан кечирмоқда.

Туманимиз катта иқтисодий ижтимоий, демографик кучга, маънавий-маърифий манбаларга эга. Шу маънода белгиланган ҳомийларимиз бизга сезиларли ёрдам беришига умид боғламоқдамиз. Бу ўринда бир нарсани қайд қилишимиз керакки, бундан бир неча йил аввал бизда Қорақалпоғистон Республикасида биринчи бўлиб Ёшлар жамғармаси тузилган, туман ва шаҳримиздаги ташкилот ҳамда муассасалар жамғармага кўмаклашган эди. «Камолот»га ҳам эътибор билан қаралишига шубҳа қилмаймиз!

Мухбир: — Жамғарманинг истиқболига ишонасизми?

Асқар Сабалақов,
«Камолот» жамғармаси Тахтақўпир тумани бўлими раиси:

— Президентимиз Ислом Каримовнинг «Камолот» жамғармаси тўғрисидаги Фармонини ўқигач, мен бир нарсага қаттиқ ишонч ҳосил қилдим. Бизларда ҳам ёшлар жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари, шу жумладан, «Еттилик» давлатларидагидек, замонавий технологияларни эгаллаган, ҳар томонлама зийрак бўлишлари, буюк келажагимизнинг ҳақиқий ворисларига айланишлари лозим. Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори айнан шу мақсадни кўзда тутади. Шу туфайли туманимизда жамғармага нисбатан қизиқиш ва эътибор катта!

Тахтақўпир шоликорлар, пахтакорлар, чорвадорлар тумани. Бизда асосан ана шу 3 маҳсулот тури ишлаб чиқарилади, тўғриғоғи етиштирилади. Энди уларнинг ёнига мулкдорлар синфи, тадбиркорлар, шунингдек, ўша уччала маҳсулотни қайта ишловчилар қатлами пайдо бўлмоқда. Бунинг устига зиёлилар синфини қўшамиз. Демак, «Камолот» малакали ёшларни тарбиялаши керак. Туманнинг тақдири шунга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳомийларимизнинг энг фаоллари жамғарма таъсис этилган дастлабки кунлардан бошлаб бизга амалий ёрдам беришга киришдилар. Жамғарманинг истиқболига тўла ишонамиз!

Мухбир: — Жамғарма фаолияти тўғрисида, унинг биринчи қадамлари тўғрисида айрим фикрлар айтилди, холос. Янги ташкилот зиммасида жуда масъулиятли вазифалар турибди. Албатта, биз бу мавзуга кўп бора қайтамиз.

Камолот: шаклланиш даври

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ЛОЗИМ

(Давра суҳбати)

Қунғиротда ёшларга катта ишонч билан қарайдилар. Бунинг сабаби бор. Чунки Қунғирот ҳудуди сайёрамиздаги айрим кичик мамлакатлар ҳудудидан бир неча бор ортиқ бўлиб ерости ва ерусти бойликларига эга. Туманнинг истиқболи порлоқ. Аммо шу истиқболни ким яратади? Албатта, ёшлар! Шуни англаб етган давлат муассасалари, биринчи навбатда туман ҳокимлиги ёшларимизни жипслаштирадиган «Камолот» жамғармасига умид билан қарамоқда, ёрдам бермоқда.

Туманимиз Қорақалпоғистонгина эмас, Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам муҳим ўрин тутади. Биргина «Урга» газ конини олинг. У ердан айни кунда суткасига бир неча миллион кубометр табиий газ ва газ конденсати олинмоқда. Қишлоқ хўжалик ишларининг қўлами қўпчиликка маълум. Туман ҳудудида Марказий Осиёдаги ягона ва йирик сода заводи қурилиши амалга оширилаётганлиги мамлакатимиз иқтисодиёти учун ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Умуман туманда жуда катта миқёсдаги ишлар бажарилмоқда. Мухтасар қилиб айтадиган бўлсам, бу ишларни уддалаётган фуқароларнинг учдан икки қисмини ёшлар ташкил этади!

Мухбир: — Ёшлар ташкилоти ҳамиша жамият тизимида катта аҳамият касб этиб келган. Бу — инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Аммо собиқ ёшлар уюшмаларини молиявий қувватсизлик, маблағ етишмаслиги оқсатиб келарди. Бу муаммо «Камолот»да қай тарзда ечилмоқда?

Гулистон Бойимбетова,
«Камолот» жамғармаси Нукус тумани бўлими раиси:

— Туманимиз раҳбарияти, ҳокимимиз, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, таниқли шоир Улмамбет Хужаназаровнинг ташаббуси билан тумандаги 38 хўжалик, корхона, ташкилот ва муассаса «Камолот» жамғармаси туман бўлими ҳомийлари қилиб белгиландилар. Улар бўлим ҳисобига 2 миллион 350 минг сум маблағ утказиб беришни ўз зиммаларига олдилар. Бу иш бошланиб кетди. «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Ҳ. Абдураимов Нукус шаҳрида утказилган кенгашда таъкидлаганидек, маблағ масаланинг бир жиҳати, холос. Гап уни ёшлар ҳаётига янги мазмун олиб киришга сарфлашдадир. Ҳомийлар, тадбиркорлар бизга яқиндан ёрдам беради, деган умиддамиз.

Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Мажлиси VI сессиясида қайд қилганидек, бозор иқтисодига асосланган жамият қурмоқдамиз. Шундай экан, янги иқтисодий тизим шароитида ёшларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қиладиган нуфузли ташкилотлар тузилганлиги айни муддао бўлди. Унинг Президентимиз, Ҳукуматимиз ва жамоатчилик томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганлиги эса ишга жўшқинлик билан киришишимизга асос бермоқда!

Элликқалъамиз мустақил мамлакатимиз миқёсида қўпчиликка маълум туман. Мен бу ўринда «Элтекс» қўшма корхонаси ёки очиқ осмон остидаги музейлар — ўнлаб йирик тарих ёдгорликларинигина назарда тутаётганим йўқ. Гап шундаки, бир неча йил ичида туман янада равнақ топади. Бу ерга давлат аҳамиятига эга темир йўл йўналишининг келиши, лойиҳа- ҳаражат қиймати 7 миллиард сўмдан ошиқ бўлган «Бўстон» каналининг барпо этилиши Элликқалъа қўриғи тарихида янги саҳифа очади.

Туманимиз иқтисодиёти тўғрисида гап кетар экан, бу ерда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида собит қадамлар қўйилаётганлигини, туман деҳқонлари мамлакатимизда биринчи бўлиб мулкчилик шаклини ўзгартирганини — 1935 фермерга барча экин майдонлари мерослик ҳуқуқи билан тақсимланганини қайд қилмаслик мумкин эмас.

Жамғарманинг жамоатчилик марказлари тумандаги фермалар уюшмаларида, корхоналарда, фуқаролар йиғинларида тузилмоқда. Жамоатчилик марказлари дангал иш билан шуғулланиши лозим. Масалан, бизда ҳокимимиз, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Амин Тожиев раҳбарлигида ҳар бир фуқаролар йиғини ҳудудида қишлоқ гузарлари қурилмоқда. Гузарларда ҳамма ижтимоий бинолар, дўкондан чойхонагача, ҳамма-ҳаммаси бор. Бу ишда ёшлар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Иккинчи муҳим масала қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд ёшларни саноат ҳамда тадбиркорликка жалб қилишдан иборат.

Мухбир: — «Камолот» болалар ва ўсмирлар билан алоқани қай тарзда ташкил этмоқчи?

Камол Хўжаниёзов,
«Камолот» жамғармаси Хўжайли туман бўлими раиси:

— Туманимиздаги Ҳамза номли хўжаликда, муаллимлар Хўжамурод Каримов ва Гулистон Сафароваларнинг хонадонида мамлакатимиз мустақиллигининг тенгдоши Ислом Каримов яшайди. Беш ёшга қадам қўяётган бу жажжи инсонга бобоси, ота-онаси юртбошимиз ҳурмати учун Ислом деб исм қўйишган.

Ана шундай думбоқчалар мамлакатимизнинг келажагига эгалик қиладилар. «Камолот» жамғармаси келажакни кўриб, чуқур ўйланиб таъсис этилган ноҳукумат ташкилоти. Шу боис биз биринчи навбатда ўз уринбосарларимиз камолига жиддий аҳамият беришимиз лозим. Албатта, бу ўринда ҳам кўп нарса маблағ масаласига боғлиқ.

Халқимизда «Қўлдан берганга қуш тўймас» деган гап бор. Бу гап билан кўп сонли ҳомийларимиз бера бошлаган ёрдам аҳамиятини сусайтирмоқчи эмасман. Энди биз ҳомийларимизнинг маблағини янада кўпайтиришимиз, шу жамоалар ёшларининг тарбияси, бўш вақтини ташкил этиш, касбга йўналтириш, ўқитиш ишларига сарфлашимиз лозим!

Мухбир: — Тўғрисини айтиш керакки, ҳамма жойда ҳам «Камолот» жамғармасининг ишлари талаб даражасида кетаётгани йўқ...

Ойбек Худойберганов,
«Камолот» жамғармаси Турткўл туман бўлими раиси:

— Тан олишимиз керакки, дастлабки иш фаолиятимизда айрим камчиликларга ҳам йўл қўймоқдамиз. Бу ҳақда яқинда Нукус шаҳрида утказилган йиғилишда рўй-рост айтилди. Мазкур танқидий мулоҳазалардан тегишли хулосалар чиқариб олдим. Туманимизда 97 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Ёш фуқаролар ана шу аҳолининг асосий қисмини ташкил этади. Жамғарма ёшларимизга ҳаётда урин топиб олишларига кўмаклашиши керак. Қайд қилинганидек, бу жараён ташкилий- оммавий босқични бошидан кечирмоқда.

Туманимиз катта иқтисодий ижтимоий, демографик кучга, маънавий-маърифий манбаларга эга. Шу маънода белгиланган ҳомийларимиз бизга сезиларли ёрдам беришига умид боғламоқдамиз. Бу ўринда бир нарсани қайд қилишимиз керакки, бундан бир неча йил аввал бизда Қорақалпоғистон Республикасида биринчи бўлиб Ёшлар жамғармаси тузилган, туман ва шаҳримиздаги ташкилот ҳамда муассасалар жамғармага кўмаклашган эди. «Камолот»га ҳам эътибор билан қаралишига шубҳа қилмаймиз!

Мухбир: — Жамғарманинг истиқболига ишонасизми?

Асқар Сабалақов,
«Камолот» жамғармаси Тахтақўпир тумани бўлими раиси:

— Президентимиз Ислом Каримовнинг «Камолот» жамғармаси тўғрисидаги Фармонини ўқигач, мен бир нарсага қаттиқ ишонч ҳосил қилдим. Бизларда ҳам ёшлар жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари, шу жумладан, «Еттилик» давлатларидагидек, замонавий технологияларни эгаллаган, ҳар томонлама зийрак бўлишлари, буюк келажагимизнинг ҳақиқий ворисларига айланишлари лозим. Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори айнан шу мақсадни кўзда тутади. Шу туфайли туманимизда жамғармага нисбатан қизиқиш ва эътибор катта!

Тахтақўпир шоликорлар, пахтакорлар, чорвадорлар тумани. Бизда асосан ана шу 3 маҳсулот тури ишлаб чиқарилади, тўғриғоғи етиштирилади. Энди уларнинг ёнига мулкдорлар синфи, тадбиркорлар, шунингдек, ўша уччала маҳсулотни қайта ишловчилар қатлами пайдо бўлмоқда. Бунинг устига зиёлилар синфини қўшамиз. Демак, «Камолот» малакали ёшларни тарбиялаши керак. Туманнинг тақдири шунга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳомийларимизнинг энг фаоллари жамғарма таъсис этилган дастлабки кунлардан бошлаб бизга амалий ёрдам беришга киришдилар. Жамғарманинг истиқболига тўла ишонамиз!

Мухбир: — Жамғарма фаолияти тўғрисида, унинг биринчи қадамлари тўғрисида айрим фикрлар айтилди, холос. Янги ташкилот зиммасида жуда масъулиятли вазифалар турибди. Албатта, биз бу мавзуга кўп бора қайтамиз.

Ҳаёт сабоқлари

ҚАЙТАР ДУНЁ

Абдувосит харбий хизматдан таътилга келганда ҳовлиси қўни-қўшни, қариндошлари билан гавжум бўлди. Бир пиёла чой ичиб, хонадон соҳибларининг қувончига шерик бўлган меҳмонларни кузатаётган Абдувосит ён қўшниси Салим бува қуринмаётганига тааажжубланди. Бирон гап ўтдимикин, Зайнаб кампирни ҳалигина қургандек бўлувди...

...Болтиқбўйи ҳавосига анча мослашиб қолган Абдувосит буйнидаги маржон-маржон терларини чит рўмолга артиб, сўрининг салқин жойига ўтирди. Орадан иккиуч дақиқа ўтмай, кимдир «Солдат, хўв солдат йигит! Ташқарига қараб қўйинг, меҳмонлар...» деди. У ўрнидан шошибгина турарркан, «Салим бувамикан» деган ўй билан меҳмонга пешвоз чиқди. Афсуски, у ўйлаган киши эмас экан. Мактабдоши Зоҳиджон билан қучоқ очиб кўришгач, уни бир пиёла чойга таклиф этди. Синфдошларнинг бири институтдаги ишларини, бири харбий хизмат хотираларини айтиб, дилдан гаплашиб ўтиришди. Шу орада суҳбатлашишга мавзу қолмагандек, орада сукунат пайдо бўлди. Абдувоситнинг хаёлига яна дарров Салим бува тушди-ю, дарров оғайнисига мурожаат қилди:

— Зоҳиджон, негадир ҳамма келди-ю, маҳалламиз оқсоқоли Салим бува қуринмадилар?! Тинчликмикин?

— Ҳа, яхшилар. Фақат мана бир йилдан буён қуча-қўйга чиқа олмайдилар. Айтишларича, оёқ-қуллари ишламай қолибди экан.

... Абдувосит отасининг вафотидан кейин қўпроқ Салим бувага суяниб қолганди, вақтивақти билан суҳбатлашиб ўтирарди. Болалигидан суяги меҳнатда қотган, босқинчиларга қарши урушниям кўрган бу камтарин оқсоқолнинг ўгитлари, хотиралари унинг учун ҳузур бахш этарди. Шу боис кечга томон сўйилган қучқорнинг шўрвасидан битта косада олиб, қўшнисиникига чиқди.

У Салим буванинг ҳовлисига кириб борар экан, ишком остидаги сўрида ўтирган ўша таниш сиймога кўзи тушди. Бетобликдан анча ўзини олдириб қўйган оқсоқол Абдувоситни кўриб қувонди. Аммо ўрнидан туриб, солдатни кутиб ололмайётганлигиданми, бироз ўнгайсизланди. Абдувосит эса узоқданоқ унга ўзбекона лутф билан салом бериб, қадамларини тезлатди. Шу пайт:

— Тўхта, ўғлим! Яқинлашма, узоқроқдан бўлса-да, дийдорлашаверайлик, — деди Салим бува гўё гуноҳкор кишилардек бошини эгиб. Нима гаплигидан бехабар Абдувосит ўрнида қотиб қолди ва тааажжубланиб:

— Сизни бағримга босиб саломлашмоқчийдим...

— Эҳ... болагинамей, қарилик қурсин, бетоблик қурсин. Анчадан бери анаву кўр булгур менга қарамаяпти. Ўз аҳволимдан ўзим жирканиб, базўр нафас оляпман. Яхши ҳамки ташқаридаман, бўлмаса уйда не аҳволга тушушим мумкин экан. — Абдувосит гап нимадалигини дарров фахмлади. «Наҳотки» дегандай ўй орасида чол Зайнаб холага ишора қилаётганини сезиб, кунгил олиш пайидан бўлди.

— Сиз ҳеч ҳижолат чекманг. Мен ҳозир, — дея Абдувосит қўлидаги шўрвани четроққа қўйиб, ишга киришди. Салим буванинг қаршилигига қарамай, ювиниб олишига ёрдамлашди. Икковлари алламаҳалгача суҳбатлашишди. Абдувосит чолнинг дуосини олиб, энди ўрнидан турaётган эди, Зайнаб кампир этагига туртта олмани солган ҳолда кириб келди. У кампирнинг шунчаки манзиратига «раҳмат» дедию ўзича «Зайнаб хола чолининг қарғишига учраса-я...» деган фикрни кунглидан ўтказди...

... Орадан саккиз ой ўтиб, Абдувосит харбий хизматни тўла адо этиб қайтди. Одатдагидек қўчқор сўйилди, қўни-қўшнилар, меҳмонлар олдига дастурхон солиб, палов тортилди. Ў бир тавоқ ошнинг тепасига иккита нон ёпиб, қадрдон қўшнисиникига шошилди. Ҳовлига кириб борар экан, бундан саккиз ой бурунги сурида Салим бува эмас, балки, Зайнаб кампир ёлғизгина ўтирганига кўзи тушди. Абдувосит бир-икки томоқ қириб, салом берди. Кампир ўрнидан қўзғолиб, «Ким? ўзингни танит-чи, болам!» деди. Абдувосит сўри томон яқинлашар экан, Зайнаб холанинг кўзлари қурмаётганини сезиб, Салим буванинг оғриниш ила айтган гапларини эслади...

Одилжон ИНОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.





Китобни халқимиз қўёшга қиёс қилишади. Унда чуқур маъно бор. Қўёш жамики тирик мавжудотларга нур бахш этса, китоб қалбларга зиё тарқатади. Буни пойтахтимиздаги Собир Раҳимов туманидаги болалар кутубхонаси ходимлари яхши билишади. Шунинг учун, улар ҳар бир ёш китобхонга севимли асарларни танлашда ўз ёрдамларини аямайди. Шу боис, бу кутубхона болалар билан доим гавжум.

Сураткаш: Р. Альбеков.

Сурхон томонларда

ИШ ҲАҚИГА — ҒАЛЛА

Қумқўрғон туманидаги «Беш қаҳрамон» жамоа хўжалигида дангаса одам йўқ ҳисоби. Шунинг учун бўлса керак, ҳар йили пахта, пилла, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик соҳаларида ҳамиша уларнинг ошиғи олчи. Хўжалик раҳбарлари — Файзи Маматмуродов билан Маматмурод Иброҳимовнинг айтишига қараганда, бу йил ғалла тайёрлаш режаси ҳам вилоятда биринчилар қаторида уддаланди. Ёшлар етакчилик қилаётган звеноларда экин ҳосилдорлиги 40-45 центнердан кам бўлган эмас.

Ғалла режадагидан мўл бўлди. Шу боисдан 340 тонна дон иш ҳақи ҳисобига деҳқонларга тақсимлаб берилди.

Нуқтаи назар

ИСМ-ШАРИФИНГИЗНИ ЁЗА ОЛАСИЗМИ?

Гоҳо бирон-бир кишининг савияси, саводхонлик даражаси ҳақида гап кетгудек бўлса, «Э фалончими, қуяверинг, у ғирт саводсиз, ҳатто исмини ҳам тўғри ёзолмайди» деган гапни эшитиб қоламиз. Дуппини ёнга қўйиб, мундоқ ўйлаб кўрсак, исму шарифни, наслномани тўғри (фақат имло жиҳатидангина эмас), ўзбекча-туркона шаклда ёза билиш биз ўйлаганчалик осон иш эмаслиги аён бўлади. Турғунлик йиллари топталган қадриятларимиз қатори исму шарифларнинг ёзилишидаги чалкашликлар, урис тили қонунқоидаларини зўрлаб тиқиштириш ҳоллари узоқ йиллар давом этди. Эсимда, талабалик йиллари фамилиям расмий ҳужжатларнинг бирида «Отабоев», иккинчисида «Атабаев» бўлиб қолгани учун тўрт ойгача стипендия ололмаганман.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоминнинг берилиши ва «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низом»ни амалга киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилиниши муносабати билан юқоридаги масалаларни оқилона ҳал қилиш имконияти туғилди. Афсуски, янги паспортни расмийлаштиришда ҳали-ҳамон эскича тартиб-қоидалар устиворлик қилаётгандек туюлади. Айтайлик, эски паспортингизда исмингиз ёки фамилиянгизда қўпол имло хатога йўл қўйилган. Шуни сиз янги паспортга тўғри ёздириб олмоқчисиз. Аммо бунга осонликча эришолмайсиз. Сиздан туғилганлик ҳақидаги гувоҳномангизда ўша хатони тузатиб ёздириб келишни (аслида ўша гувоҳномада йўл қўйилган хатолик туфайли паспортингизда ҳам бу хато такрорланган!) талаб қилишади. Оворагарчилик ва сарсонгарчиликни истамаганлар (ким буни истайди?) ноилож хато ёзилса ҳам миқ этмай янги паспортни олишга мажбур. Дарвоқе, бу ҳақда шоир Машраб Бобоев матбуотда куюнчаклик билан, уринли фикр-мулоҳазалар билдирди.

Ҳазрат пайғамбаримиз умматига фарзандларига ғўзал исмлар қўйишни буюрганлар ва улар билан чақирилишини уқтирганлар. Дарҳақиқат, инсоннинг бир умрлик йўлдоши бўлмиш исми ғўзал бўлишдан ташқари мазмунли, жарангдор, талаффузга унгай бўлиши лозим. Бу борада асосий масъулият ота-она зиммасига тушади. Олимларнинг кузатишича, одамнинг исми ахийри бориб унинг феъл-атворига, характерига ҳам таъсир этар экан.

Янги паспорт тизими жорий қилиниши боис исм-шарифларнинг ёзилиши билан боғлиқ бир қатор муаммолар яна қалқиб чиқди. Камина негадир жамоатчилик ва мутасаддиларнинг жиддийроқ мулоҳаза-муҳокамасига сабаб бўлмаётган иккита муҳим — ўзак масалага тўхталмоқчиман. Булар — исм-фамилияларнинг ўзбекча (туркий) шаклини белгилаб олиш ва бунда оила-авлод шажарасининг акс этиши масаласидир.

Тўғри, юқорида қайд қилинган Қонун ва Низомлар бу борада фуқароларга анча эркинликлар берди. Айни чоғда бу муҳим масалада бир хилликка, бир тўхтамга келиш муҳимдир. Зеро, исм-шариф халқнинг — миллатнинг узига хос, бетакрор белгисидир.

Шарқ халқларида наслномалар қандай ясалганини бир эслайлик. Араб тили таъсири доирасидаги халқларда «ибн», «бин», «бинт», «абу», сўзлари ёрдамида (Усмон ибн Аҳмад — Аҳмаднинг ўғли Усмон) наслномалар ясалган. XIV—XV асрларга келиб Урта Осиё халқларида исм-шарифлар ўзгача тарзда («Бобурнома»да қайд қилинганидек — Султон Ҳусайн, Аҳмад Ҳожибек каби) номлана бошланди. Кейинчалик «ўғли» (Муҳаммад Нусрат ўғли) «зода» (Карим Зокирзода), «ий» (Мирзакалон Исмоилий) каби наслнома шакллари расм бўлди. Крилл ёзувига ўтилгач, исм-шарифларга «ов», «ев», «ова», «ович», «овна», «евич», «ева», «овна», «евна» каби қўшимчалар қўпиш кенг тарқалдики, биз ҳали-ҳамон негадир наслноманинг ана шу шаклидан воз кечолмаётибмиз. Айримлар ҳам «ўғил», ҳам «ев», «ов» шаклида (Эшматов Толиб Рустам ўғли) фойдаланишмоқда.

Хўш, ана шу наслнома шаклларидан қай бири бизга кўпроқ тўғри келади? Бу борада мутасаддилар — тилшуносслар, шарқшунос-тарихчилар, элшуносслар қандай фикрда эканлар? Афсуски, миллатпарвар олимларнинг бу масаладаги қимматли фикрлари бизга қоронғу.

Наслномада шажаранинг акс этиши масаласида таниқли исмшунос олим Эрнст Бегматов шундай фикр билдиради: «Эндиликда фамилия фуқароларнинг хоҳишига кўра ҳар сафар ота исмидан янгидан ясалиши мумкин. Шу тариқа авлоддан-авлодга ўтиши шарт бўлган фамилия-ўзгармас ном барҳам топади. («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 20 апрель 1990 йил).

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: мантиқан, адолат юзасидан қараганда ўша «ўзгармас ном» деб аталаётган шажара асосчиси номининг барҳам топиши тўғримикан? Бу борада айрим халқлардаги барқарор анъана — шажара асосчисининг номини доимий сақлаб қолиш одатини ўйлаб кўриш зиён қилмайди. Ҳар бир инсон камида етти нафар ота-боболарининг номини билиши фарз деймиз. Бироқ бизда ўз шажараси тарихини билишга қизиқиш ҳали анча суст. (Ахир ўзликни англаш биринчи галда ота-боболарнинг кимлигини билиш-ўрганишдан бошланмайдими?). Тўғри, бунда шажаранинг кейинги бўғинига мансуб отанинг исми фамилия бўлмайди, фақат ўз паспортида исм, фарзандининг паспортида ота сифатида қайд этилиши мумкин.

Хуллас, бу борада ҳам қўпчиликка маъқул тушадиган тамойил-мезон белгиланиши зарур.

Мен бу масалалар юзасидан аниқ, илмий асосланган тавсиялар бериш масъулиятини зиммамга олмоқчи эмасман. Чумчуқ суйса ҳам қассоб суйсин — ҳар ким ўз ишини қилгани маъқул. Каминанинг мақсади ушбу долзарб муаммога мутасаддилар ва жамоатчилик эътиборини жалб этиш, халос.

Шодмон ОТАБЕК.

МИСР ЎЗБЕКИСТОННИ ШАРАФЛАЙДИ

Қоҳира. 2 сентябрь. «Жаҳон» Ахборот агентлиги мухбири Раҳимжон ҚОДИРОВ хабар қилади:

Миср оммавий ахборот воситалари Ўзбекистоннинг Мустақиллик байрамига катта ўрин ажратдилар. Рўзномаларда эълон қилинган мақолалар ва Қоҳира телевидениесида намойиш этилган ҳужжатли фильмларда Истиқлолнинг беш йили мобайнида ўзбек халқи демократик жамият барпо қилиш, бозор иқтисодиётини шакллантириш борасида қўлга киритган ютуқлар, миллий қадриятларнинг тикланиши ҳамда жаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маънавий меросига алоҳида эътибор берилаётганлиги ҳақида ҳикоя қилинди.

Элчихонада бўлиб ўтган қабул маросимида Миср ҳукумати аъзолари, хорижий давлатларнинг Қоҳирадаги элчилари дипломатлари, Миср университетлари ректорлари ва профессорлари, таниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар тўпландилар. Миср Араб Республикаси Президенти девонининг котиби Ҳамид Абдул Розиқ Президент Муҳаммад Ҳусни Муборак номидан Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни билан мубораксбод этиб, мамлакатимизга фаровонлик ва улкан зафарлар тилади.

Қабул маросимида хозир бўлган Миср Араб Республикасининг иқтисод ва халқаро ҳамкорлик вазираси Навал Абдул Мунъим Ат-Татави Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Шамсуддин Бобохонов билан суҳбатида июнь ойида Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи самарали ўтганини таъкидлаб, ташриф чоғида Ўзбекистон Президенти И. Каримов билан учрашуви айниқса катта таассурот қолдирганини айтиб ўтди. Навал Ат-Татави «истиқлол пойдеворини мустаҳкамлаётган Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг келажаги порлоқ» эканлигига ишонч билдирди.

Истиқлолнинг беш йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 660-йиллигига атаб элчихонада тайёрланган «Амир Темур ва темурийлар ҳақида Миср кутубхоналарида сақланаётган манбаъ ва қўлланмалар фихристи (рўйхати) нинг расмий тақдимномаси бўлиб ўтди. Шунингдек, «Қоҳира ўзбек рассомлари нигоҳида» номли кўргазма ҳам меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. Хелвон университети таклифига биноан Миср Араб Республикасига тажриба алмашиш учун келган Тошкент Давлат санъат институти бир гуруҳ талабаларининг Мисрга сафари натижасида яратилган тасвирий санъат асарлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

«Жаҳон» Ахборот агентлиги

Қорақалпоғистон томонларда

ЖАМБУЛХОНЛИК КЕЧАСИ

Соҳибқирон бобомиз, буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур Курагон ҳазратларининг 660 йиллиги нишонланаётган ушбу қутлуг йилда Турон заминига мансуб бир қатор азиз сиймоларнинг таваллуд саналари белгиланади. Улкан қозоқ шоири ва оқини Жамбул Жабаев туғилган кунининг 150 йиллиги ҳам ана шу табаррук саналар сирасига киради.

Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Ножим Довкораев номидаги тарих, тил ва адабиёт илмгоҳида шу санага бағишланган жамбулхонлик кечаси бўлиб ўтди. Уни филология фанлари доктори, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти соҳибси Қирқбой Бойниёзов, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир—аъзоси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Ҳуснидин Ҳамидовлар Жамбулнинг ўлмас мероси тўғрисида маъруза қилдилар.

Таниқли олимлар—Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти соҳибси Саригул Баҳодирова олиб борди.

Ватан — тарих кўзгусида

ТУРОН АТАЛМИШ ТУЛПОР...

Маълумки, Ватан тушунчаси ҳар бир шахс, инсон кечинмалари орқали ўз ифодасини топади. Шунда, инсон кўнглини сирқираб ўртаб келаётган ўйлар мажмуаси, назаримда ҳамиша ўша ширин бир оғриқ — Ватан, Халқ тушунчасини кашф қилиш керакдай. Ҳайратланарлиси шундаки сизни минг бир азобга солиб келаётган шу сўзлар (унинг сўздаги ифодасидан кўра чуқурроқ ва аниқроқ тимсоли йўқ) узининг бор моҳияти билан ранглар изимга — бизнинг ҳаяжонли тасаввурларимиз оҳангига мослашиши ҳамон бир қадар ўз сеҳрини йўқотиб бораётгандек кўринади. Ва бехос, минг машаққат билан юзага келтирган тасвирингиздан чўчиб ҳеч ким эшитишни истамаган нотиқ сингари ноқулай аҳволда қоласиз.

Аммо сиз Чўчиманг! Ҳақиқатда шундай муқаддас туйғулар борки, сиз уни бехосдан ошкор этмоқдан ҳамиша сақланасиз, шу туфайли у пинҳонлигича қолаверади. Таъбир жоиз бўлса, у ёшликдаги ўша ардоқли, ошкор этилмаган илк мусаффо муҳаббатга ўхшайди. Лекин Сиз бироз қўрқув ва эсанкираш билан нутқ ирод этмакка чоғланибсизми, (муаллиф ҳам айнан шу иродага даъвогар), демак...

Дарҳақиқат, «келинг, шу азиз Ватанни биргалашиб севайлик», дейиш қанчалик мушкул бўлса-да, лекин бор моҳият шунда. Сиздаги ўша чўчиниш, андишалик асл моҳият олдида ҳеч нарса бўлиб қолди. (Эҳтимол Ватанни севишнинг бошқача иборасини кашф этмоқ керакдир).

Хуллас, биз асл моҳиятдаги ожизликларни тан оламизда, бу хусусда мушоҳада юритишга ортиқ жазм этолмаймиз. Юқоридагилар эса таъкидлангандек, — маълум бир шахс кечинмасидаги ўша муқаддас сўзларнинг инъикосидир.

Бироқ ҳар бир шахс ожизона қобиғини ёриб, атрофга сергак нигоҳ билан назар ташлар экан, узини гўё турли тортинчоқликлари боис ҳаётдан четда қолган қари қиз каби ҳис қилиши табиий. Эҳтимол баъзилардаги ўша тортинчоқ туйғуларни умуммоҳиятга қўшилиб кетолмаслигига бизнинг йиллар давомида кечган исканжали ҳаётимиз ва онгимиз айбдордир.

Аммо бугун мутлақо бошқача бир ҳолат, биз шу тупроқ — Ватан тақдирини ўз қўлимизга олганимизга яқинда беш йил тўлди. Мана шу ута оғир ва шиддатли беш йил мобайнида биз қанча ҳаяжонли ва салобатли дамларни бошдан кечирдик. Билмадим, бу Тангри марҳаматиданми ёки ватан ғўлонларининг кескин шижоати туфайлими, Турон аталмиш бир учқур Тулпорнинг кишандан халос бўлиб, шиддат билан дунё узра елишга тайёрланиб тургани аён. Неча аср, қанча даврларнинг, кескин қурашларнинг гувоҳи бўлган бу ёвқур тулпор орзуси ҳамиша эрк бўлган.

Энди бир дам бўлса-да, жаҳонгир кечмишини унутмаган бу тулпор сафарига, унинг парвозига ҳавас қилишгина мумкин бўлади.

Бундай дейишимизга етарли асос, ўтмиш тарихимизга назар ташлаб топган далил — ҳақиқатлар бор! Туркий халқлар дунё узра элат сифатида шаклланибдиларки, улар ҳамиша замин тақдирида, жаҳон тарихида, шаклланишида кескин бурилишлар ясаб, унинг йўриғини ўз изига киритиб кела олган халқ.

Башорат қилмоқчи эмасмиз фақатгина воқеалар силсиласидан келиб чиққан ҳолда хулоса ясамоқчимиз, холос. Аввалам бор, туркийларнинг илк ота аждодлари саналмиш хунлар ҳаётига назар ташласак. Эрамиздан олдинги йилларда яшаб ўтган хунлар биринчилардан бўлиб кучли империя яратишган эди. Шунингдек, айнан хунлар енгил жанг санъатини кашф қилишиб, уни дунёга маълум ва машҳур қилишди. Оқ хунларнинг Европага кўчиши оқибатида у ерда кўп ўтмай ҳукмдор Атилла, хунларнинг кучли енгилмас давлатини вужудга келтирди. Атилла деярли ўша пайтдаги фотиҳлардан бўлмиш Цезар империсининг ривожланиши учун бевосита катта имкониятлар яратиб берди. Афсуслар бўлсинким, хунлар ҳаёти уларнинг фаолияти ҳақида маълумот берувчи манбалар ниҳоятда кам. Бўлганлари ҳам хунларни тарих саҳнасидаги аҳамиятни етарли даражада ёритиб бера олмайди. Хунлардан кейин марказий Осиёда ҳақиқий туркийларнинг шаклланиш даври бошланди. Бу давр 600 йил атрофида сокинлик билан давом этган бўлса-да, фурсат етгач қадимги туркийлар узларини бутун салобати ва чиройи билан тарих саҳнасига чиқиб келишди. Хитой тарихчилари бу ҳақда шундай ёзишган эди: «Жанговар хунлар маълум вақт ўтгач, қадимги туркийлар қиёфасида янада шиддат билан юзага келишди».

Дарҳақиқат, улар миллат сифатида шаклланишлари биланоқ дунё сиёсатида, маданий-ижтимоий ривожланишларда кескин бурилишлар ясаб, ҳоқонликни дарҳол дунё мавқеига кўтаришга улгуришди. Улар узларига мерос жанговар руҳ билан яшин тезлигида марказий Осиёни ягона ҳоқонликка бирлаштириб, ўз чегараларини шимолда Византия империясигача кенгайтиришди. Буюк Ипак йўлини қўлга олиб уни нафақат Эрон балки Каспий—Кавказ орқали ўтказишни ҳам режалаштиришди. Умуман турк ҳоқонлиги узининг VIII асргача бўлган ҳукмронлик даврида кўпгина маданий, ижтимоий, сиёсий ютуқларга эришди.

Афсуски, кўпгина ёдгорликлар турли ижтимоий сабабларга кўра бизгача етиб келмаган. Аммо бу соҳадаги изланишлар бугунги кунда ҳам қизғин давом этмоқда. Бизгача етиб келган ўрхун битиклари ёдгорлигининг ўқилиши эса Европа тарихчилари томонидан айтилган «Туркийлар босқинчи империя сифатида шаклланишган», деган фикрни мутлақо йўққа чиқарди. Қадимги турклар ҳоқонлиги парчаланиши билан Турон замин яна кўпгина алғов-далғов замонларни бошдан кечирди. Ва ниҳоят XVI асрларда бу авлод, бу юрт замин олдида яна узининг нималарга қодир эканлигини кўрсатди. Соҳибқирон салтанати, унинг жаҳондаги ўрни барчамизга аён. Бу давр бизга олдингиларидан кўра яхшироқ таниш. Бу даврнинг яна бир эътиборли томони шундаки, дунёнинг икки тарафида ҳам, икки туркий ўғлон от сураётган эди. Темур қўшинлари Машриқдан Мағрибгача бўлган музаффарона юришлари оқибатида кўпгина адолатсизликларга чек қўйилди. Хусусан, бир неча йиллардан бери бир жойда топталаётган Европа айнан Темурнинг халоскорона юриши натижасидагина узининг иккинчи уйғониш даврини бошлади.

Бу далиллар ёвқур ва эрксевар ўтмишимиздаги кўз юмиб бўлмайдиган ҳодисалардир. Соҳибқирон салтанатидан кейин мана 600 йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Аммо, яна бир таажжубланарли ҳақиқат: хунлар ва қадимги турк ҳоқонлиги ўртасидаги вақтни ҳам, ҳоқонлик ва Темур салтанати ўртасидаги, Соҳибқирон ва бизнинг ўртамиздаги вақтни ҳам 600 йиллар атрофи ажратиб туради. Гўё ҳамиша шу жараён қайта шаклланиш учун берилган имкондай.

Не тонгки, биз яна мана шу муъжизавий фурсатдан кейин ўз эркимиз билан қад ростладик. Узбекистон мустақиллигини қўлга киритганига беш йил тўлди. Беш йил замин ғилдираги олдида беш лаҳза дегани. Бироқ шу беш йилни ўзидаёқ биз қанча ютуқларни қўлга киритдик. Ўзбекистон дунё мамлакатларининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Кейин бирин-кетин шиддат билан ривожланиб бораётган иқтисодий жабҳалар: дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар; Навоийдаги тилла конларида Узбекистон — Америка қўшма корхонасининг фаолият кўрсатиши, Асакадаги «УзДЭУавто» заводининг иш бошлаши, Корея билан ҳамкорликда очилган бошқа қўшма корхоналарнинг фаолиятлари, қарши чўлларида шиддат билан узлаштирилаётган нефт ва газ конлари...

Мустақилликка эса эндигина беш йил тўлди, беш йил замин ғилдираги олдида беш лаҳза дегани. Олдинда эса XXI аср.

Энг асосийси Турон Аталмиш бирТулпор дунё узра елишга шайланган.

Энди унга фақаттина ҳавас қилиш мумкин бўлади.

Абдумалик БОБОЕВ.

1996 — йил Амир Темур йили

ОЛТИНИСАН ОЙ ЭЛНИНГ

12. ЭЪТИҚОД ҚУЁШДИР

Ҳа, шундай, эътиқод қуёшга ўхшайди, бировни этагидан тутдингми, унинг оғир кунида ҳам, қувончида ҳам ёнида бўл! Эътиқоддан қайтсанг, сени худо жазолайди. Ўз эътиқодидан қайтган улуғ олим Улуғбекни ҳам кўк кечирмади. Қисмат, тақдир деб ўзимизни овутамиз, аниқроғи ўзимизни алдаймиз. Аслида ўз айбимизга яраша мукофот оламиз! Бизга берилган мартаба, ризқ-рўз, яшаш тарзи, қобилият аслида яратган эгамиз берган қуёш эмасми?! Унинг юзи шаффоф бўлиши ҳам, қора булутлар билан тўсилиши ҳам мумкин-ку! Лекин инсон ҳамиша шошилади, ҳамиша мақсадига тезроқ етишни истайди. Аммо у ўз эътиқодидан қайтаётганини, хатога йўл қўяётганини сезмайди.

Келинг, ортиқча фалсафага берилмайлик, мен Сизни яна тарихнинг аллақайси рақамлари, ҳодисалари томон бошламай, яхшиси қуйидаги ривоятни эшитинг!

Далварзинтепа шаҳрини ёғийлар қамал қилибдилар. Неча кун, тун ўтибди, аммо шаҳар таслим бўлмабди. Шаҳарни куч билан ола билмаган ёғий уни ҳийла билан қўлга киритмоқни кўзлабди.

Шаҳар дарвозасининг ғўзаллиқда тенги йўқ қизи бор экан. Ёғий ҳукмдори унга атаб ишқий мактублар битибди. Узи эса шаҳар дарвозаси тўғрисида улкан тахт каравот қуриб, ҳар куни унда ўтириб, қизни кутибди. Кунлардан бир кун малика уни кўришга ошиқибди. Кўрибди-ю, бу тенгийўқ ғўзал йигитга ошиқ бўлибди. Учрашган пайтларида йигит унга катта ваъдалар барибди. Унинг алдовларига ишонган малика ҳамма сирасорни айтибди. Шундан сўнг ёғийлар шаҳарга сув келадиган қувурнинг оғзини беркитибдилар. Сувсиз қолган аҳоли шаҳардан чиқишга мажбур бўла бошлабдилар. Маликанинг отаси — шаҳар дарвозасининг энг илмли афсунгар экан:

(Давоми. Боши утган сонларда)

у шаҳар аҳлини ҳайвонларга айлантирибди, ҳамма бирин-кетин адирликларга чиқиб кетиб, ёғийдан қутула бошлабди. Шаҳарга бостириб кирган ёғий ҳукмдори ҳувиллаган кўча-ўйларни кўриб, ҳайрон бўлибди ва маликадан бунинг сирини сурабди.

Малика яна уни сирдан воқиф этибди. « — Отанг қаерда?» — сурабди ёғий ҳукмдори. « — Отам катта қора итга айланган, — дебди Малика, — шаҳардаги жамики итларни қувинглар, ўшанда уни топасизлар». Ёғийлар итларни қувишган экан, қора ит уларнинг орасида кўринибди. Уни тутиб олиб, ҳукмдорга етказишибди. Отаси Маликани қарғабди. Ёғий ҳукмдори «отасини билмаган, мени билармиди» деб, қизни ҳам қатл этибди

Милоддан олдинги III асрлардан қолган афсона ана шундай. Унинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини билмаймиз-у аммо IV аср охирларига келиб Далварзинтепа кўчманчи қабилалар томонидан вайрон этилгани аниқ.

Энди қуйидаги сўзларга диққат қилинг!

1972 йилнинг кузи. Собиқ Совет матбуоти Сурхондарёни энг қолоқ, маданиятдан орқада қолган чекка ўлка дея айюҳаннос солаётган кунлар! Узбекистон санъатшунослик экспедицияси антик замонга оид Далварзинтепа харобаларидан олтин тўла хум топдилар. Топилма ҳақида жаҳонда жуда катта шов-шувлар бўлди. ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тараққиётини ўрганиш лойиҳасида бу нарса жаҳон тарихи учун муҳим манбаа эканлиги қайд этилди.

Ҳумдан зирак, марварид, узук, билакузук ҳамда бошқа нарсалар чиқди. Ингичка олтин ипларга тизилган марварид шода ўртасида инсон калласи тасвири бор эди. Марварид тизмаси ҳинд ёқути ва феруза-лар билан зийнатланган эди. Кушон маданиятининг нодир намунаси ўша пайтда текшириш баҳонасида Москвага олиб кетилган эди.

Қоғозларда ёлғонлар кўпирган замонларда оёғимизни ўпиб турган муқаддас тупроғимиз ҳақиқатни сўйлар эди.

Улуғларимиздан бири «оёғинг остида туфроқ бўлсайдим» дея нечоғлик ҳақиқатни сўйлагани, ўйлагани, орзу қилгани шу эмасмикин?!

Мен Далварзинтепа баҳонасида яна бир воқеани айтиб ўтсам!

Экспедиция аъзолари бу ерни айланиб томоша қилдилар. Биз икки ярим, уч метрлар қазилган жойни кузатдик. Ер остидан ўтган сопол қувур кўриниб турарди. Эҳтимол шаҳарга сув келган қувурдир бу! Нима бўлгандаям, ўша замонларда бизда сув қувури тармоқлари бўлганлиги, ҳозирги «кран»лар ўша ихтироларнинг давоми эканлиги аниқ. «Бордан йўқ бўлмайди...» Доно гап!

Энди давомини эшитинг!

«Узбекистон миллий боғи»ни айланиб юрардик. Радиодан деҳқоннинг сузларини эшиттира бошлашди. Деҳқон бир ўринда: « — Мана бизга ҳам кран ўтказишди, тоза сув ича бошладик. Водопровод яхши экан», деб қолди. Ёнимиздан ўтаётган учтўрт европалик: « — Узбекларда «Водапровод» сўзи йўқда, биздан ўрганганда» дея кулишган бўлишди. Биз сўзга аралашдик. Улардан бир сариқ сочлиси: « — Нима дейди сизларда «водапровод»ни?» дея жангарилик билан сўради. Мен қувур дейилишини айтдим. Шеригим эса бундан беш минг йил олдин ҳам бизда сув қувурлари бўлганлигини айтди. Улар ҳайрон бўлишиб елка қисиб қўя қолдилар.

Халқимиз-Ой эл! Ойнинг юзидаги қора қўланкалари батамом олиб ташлаш, уни жаҳонга янада нурлироқ кўрсатиш вазифаси Сизу бизнинг, замондошларимизнинг зиёлию халқпарвар, элпарвар раҳбарларнинг зиммасида экан, бу шарафли ишдан, қуёш каби ягона эътиқоддан орқага чекиниб бўладими?!

Сурхондаре ана шу ой элнинг бир олтини! Ҳали бу олтин кўпларни мафтун этади, Сизу бизга кўпдан-кўп обру, шараф олиб келади.

Тўлқин Ҳайит

Ўзбекистон ойнаи жаҳонида

ДУШАНБА, 9

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 Эстрада тароналари.
9.00 «Қишлоқ тадбиркорлари». Имконият излаб.
9.30 «Асрлар нидоси». Кинодастур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.
10.35 «Оҳанграбо». Самарқанд қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.15 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
11.40 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.10 «Қўзиқорин ёмғири». Мультфильм.
12.20 К. Аваз, И. Ниёзматов асари. «Жаббу жўжак». Видеофильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Мозийдан садо».
18.40 «Мувозанат».
19.00 «Оҳанглар оғушида».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Рангин дунё».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Ўзбекистон. Бешинчи довон». «Ўзбектелефильм» премьераси.
21.30 «Оҳанглар оғушида».
21.45 «Фақат қизлар учун».
22.05 «Бу оқшом...»
22.35 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли кўрсатув.
21.30 «Курьер».
21.50 «Прайм-тайм».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.30 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Отларни ким эгарлайди?». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси 18.10—20.35
*
20.35 «Теннис-клуб».
*
Россия давлат телевидениеси 21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV 17.10—18.45 Туркия телевидениеси

СЕШАНБА, 10

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
9.00 «Рангин дунё».
9.20 «Элга хизмат: талаб ва таклиф».
9.40 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Рақслар оламида.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Инглиз тили.
11.00 Она тили.
11.30 Узбекистон тарихи.
*
12.00 «Кўҳна оҳанглар». Киноконцерт.
12.30 «Жараён».
12.50 «Отни ким эгарлайди?». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.35 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фан уфқлари».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Бизнес-академия».
21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Рэкет».
22.40 «Замон».
22.50 «Спорт, спорт, спорт».
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Ҳотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 АРТ-журнал.
21.15 Эълонлар ва видеоклип.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси 18.10—20.35
*
20.35 «Теннис-клуб».
*
Россия давлат телевидениеси 21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV 17.10—18.45 Туркия телевидениеси

ЧОРШАНБА, 11

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Мусиқий саёҳат».
8.45 «Ипак йўли — дўстлик йўли». Публицистик кўрсатув.
9.05 Болалар учун. «Ғўзаллик оламида».
9.30 «Фильм суратга олинди». Кинокўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Мен ва дунё». Публицистик кўрсатув.
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 Ўзбек куйларидан концерт.
11.30 «Осойишталик посбонлари».
11.45 «Нонни босган қизча ҳақида». Мультфильм.
11.55 Шифокор маслаҳати.
12.05 «Излари бўстон кишилар». Мирзачўл: кеча ва бугун.
12.35 «Тутилсин ва зарарлантирилсин». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Буюк Ипак йўли». Мусиқий саёҳат. «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.40 «Замон билан ҳамнафас».
18.55 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадир».
19.00 «Оҳанглар оғушида».
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Зилол». Фольклор-этнографик жамоаларининг телефестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «15 дақиқа спорт ҳақида».
21.35 «Автоолам».
21.50 «Европа таассуротлари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонова.
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Адашлар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Спорт қитъаси».
22.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.05 — 23.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Боғимга марҳамат». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».
*
18.10—20.35
*
20.35 «Етти қўл», «Ўйинчоқлар олами». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевидениеси 21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV 17.10—18.45 Туркия телевидениеси

ПАЙШАНБА, 12

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Буюк келажак сари».
8.55 «Қадим диёр наволари». Хоразм вилояти телестудиясининг дастури.
9.20 «Маърифатнома».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Тақдир». Публицистик кўрсатув.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Ботаника.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Умумий биология.
*
12.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
12.30 «Ҳаёт учун хавфли». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Нилуфарлар таништиради...»
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Акциядор луғати».
19.00 Дилнавоз садолар.
19.20 «Омонлик тилаймиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.15 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.30 «Одобнома».
21.45 Олтин мерос. «Шоир тақдири». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Осиё кубок эгалари кубоги. «Истиқлол» (Эрон) — «Навбаҳор» (Наманган).
00.40 Тунги тароналар.
00.50 — 01.00 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Ўйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.15 «Бизнес-уик».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50 — 00.50 «Спорт қитъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Олатоғ гулдастаси». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».
***
18.10—20.35
*
20.35 «Шоҳсупа сари йўл».
*
Россия давлат телевидениеси 21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.20—22.25 Янгиликлар.

IV 17.10—18.45 Туркия телевидениеси

ЖУМА, 13

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.45 Кекса санъаткорлар концерти.
9.15 «Қирқ ҳунар ҳам оз...»
9.50 «Ўйинқаро болалар». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳазинамиз таянчи».
Ўқув машғулотлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
*
12.00 «Кичкинтой» устахонаси.
12.25 «Қишлоқ ҳаёти». Тележурнал.
12.45 «Париларнинг кузги совғаси». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.25 «Синфдош».
18.45 Бизнес ҳафта якунлари.
18.55 «Тақдим».
19.00 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Репортаж».
22.00 «Морена Клара». Телесериал.
22.40 «Мафтункор чеҳралар».
23.00 «Соғлом авлод учун».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 «Ҳавас-ТВ».
00.20 Тунги тароналар.
00.30 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Ўйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Камолот».
22.20 Хит-парад ва Эълонлар.
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.50 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Бўёқлар жилоси». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».
***
18.10—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Бу ажиб дунё».
*
Россия давлат телевидениеси 21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV 17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

ШАНБА, 14

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Осмондан тушган мерос». Бадиий фильм.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.25 «Ватанпарвар».
10.55 «Умид чечаклари».
11.15 «Экран ҳандаси».
*
11.45 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
12.10 «Муҳаббат султони». Ҳамза номидаги Узбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.35 «Ёшлар ижоди». Салимжон Саимов ва Ниғмат Душамов.
14.05 «Сув келтирган азиз». Телеочерк.
14.20 — 15.20 «Маънавият» видеоканали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Ҳайрат».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Мактуб».
19.15 «Оққуш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
20.05 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Кўнгил».
21.40 «Рангин дунё».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.05 «Заковат».
22.15 «Мўъжиза».
22.25 «Имкон чўққилари».
22.35 «Ноёб тур». Бадиий фильм (АҚШ).

II
9.00 «Мультдаста».
9.15 «Табиат шифохонаси».
9.25 «Дилором наволар» Мусиқий дастур.
9.35 «Таманно».
9.45 «Йўловчи ва транспорт».
9.50 «Сиздан ишорат».
10.25 Видео янгиликлари.
10.35 — 12.15 Видео — «О».
* * *
18.00 «Бугуннинг боласи».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Норизо ва ношукурлар туркумидан. Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тошкентнома».
20.10 «Дубляж».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури:
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.20 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 — 23.50 Видео — «О».

III
17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 17.55—20.35
*
20.35 Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси 21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Спрут». Телесериал.
22.25—22.40 «Сополдаги акс». Телефильм.

IV
10.00 «Шанба эртаги».
11.00 «Шоу давом этади».
11.30 «Комедиантлар».
11.40 «Спорт-дайджест».
12.10 «Дидар».
12.40 «Айчурек».
13.10—13.40 «Рангинкамон».
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси

ЯКШАНБА, 15

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
11.30 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 7-кўй.
12.10 «Санъат ғунчалари».
12.40 Ўрмон ходимлари кунига бағишланган кўрсатув.
13.40 «Ором». Мусиқий дастур.
14.10 — 15.10 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «LEGO» сайёраси.
18.15 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.05 «Келгуси ҳафтада».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 Илҳом сатрлари.
21.30 «Шаҳс ва баҳс».
21.55 «Келгуси ҳафтада».
22.10 ЎзТВ экранида премьера. М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 8-кўй.
22.50 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Жозиба».
9.35 «Тошкентнома».
9.50 «Дубляж».
10.05 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.30 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.40 — 12.20 Видео — «О».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультдаста».
18.40 «Табиат шифохонаси».
18.50 «Дилором наволар» М

Гул кўп, чаман кўп

Рустам Раҳмон Олмос

Шоирларимиз ҳақида сўз кетса... Мен Рустам Раҳмон шеърларини қўпдан буён ўқиб келаман, бу шеърлар ута самимийлиги билан диққатга сазовордир. Шу ерда бир нарсани айтиб утиш жойиз деб ўйлайман. Адабиётимиз тарихида ёркин из қолдирган таниқли ёзувчи Рустам Раҳмон Андижонийдан фарқланиб турсин деб бўқундан бошлаб шоиримизга Рустам Раҳмон Олмос деб адабий тахаллус бердик. Биз ҳали, насиб қилса Рустам Раҳмон Олмос шеърлари ҳақида кўп сўзлашамиз, баҳслашамиз. Омад тилаймиз. Ҳозирча шоирнинг қисқача таржимаи ҳолини берамиз.

Рустам Раҳмон Олмос 1945 йилда Наманган вилояти, Чуст тумани, Олмос қишлоғида дунёга келган. 1948 йилда оиласи билан Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманига кўчиб келишган. Мактабда 7-синфгача ўқигач, оғир касалликка чалинади. Кейинчалик кечки ишчи ёшлар синфида урта маълумотни тугаллайди. Оғир касаллик туфайли 1964 йилдан тўшакда ётиб қолади. 1960 йилдан мунтазам равишда шеърлар машқ қилиб келади. Шеърлари матбуотда тез-тез эълон қилиб турилади. Шунингдек, «Ёш гвардия» (ҳозирги «Камалак» нашриётининг «Олтин беланчак» жамланмасида чоп этилган. 1990 йилда Ёзувчилар уюшмасига юборган шеърлар туплами натижасиз йўқолган. Уйланган.

Қуйида унинг ижодидан намуналарни Сиз азиз газетхонларга ҳавола қиламиз.

Рауф ПАРФИ

***

Йиллар ўтар, йилларни қувлаб,
Бир дақиқа тўхтамайди вақт.
Биз ҳам умр дафтарин бузиб
Йўл юрамиз, ахтарамиз бахт.

Биз йўлдамиз, узун йўлдамиз.
Довонлар мўл, сўқмоқлар, даштлар.
Кимларгадир армону алам.
Насиб қилар кимларга гаштлар

Кимлар фақат ўзини ўйлаб,
Соя каби беиз ўтади.
Ким халқ бахти, дардига шерик.
Номин достон қилиб кетади.

Ҳаёт йўли аталмиш бу йўл,
Насибаси, ўткинчи жони.
Уни қандай босиб ўтмакни,
Белгилайди инсон виждони.

***

Ярим кеча ухлайди қишлоқ,
Сукунатга чўмган бу олам.
Юлдузлар ҳам боқарди мудроқ,
Ўйқусираб сузарди ой ҳам.

Типирчилар бир шеър бўкзимда
Сукунатга қулоқ тутардим.
Ўз ёғимга ўзим қоврилиб
Фалаклардан илҳом кутардим.

Сукунатнинг қўйнидан шу дам,
Оҳангграбо садо таралди.
Сеҳрланиб қолдим садога,
Ҳаяжонга жисмим ўралди.

Ким экан у, оромдан кечиб,
Ярим тунда хониш айлаган?
Ким экан у, ким экан бедор,
Ярим тунда қўшиқ куйлаган?

Кимлигини англадим тездан,
Она эди, она меҳрибон.
Фарзандини бешигин қучиб,
Алла айтар эди бир жувон.

Гувоҳимдир мана шу машқим,
Бўйнимдадир фарзандлик қарзим,
Онамларга, онажонларга,
То ҳаётман, қилурман таъзим.

БАҲСНИ КУЧЛИЛАР ДАВОМ ЭТТИРАДИ





- 2 сентябрь куни Тошкентнинг Юнусобод теннис кортида анъанавий «Президент кубоги» теннис турнирига старт берилди.
- Ушбу турнир Республикамизда учинчи бор утказилмоқда.
- Унда 18 мамлакатдан теннисчилар иштирок этишмоқда.
- Мусобақанинг биринчи ракеткачиси — ПТА руйхатида 16 — уринни эгаллаб турган испаниялик Феликс Мантилла.
- Турнирнинг мукофот жамғармаси 125 минг долларни ташкил этади.

«Узбекистон теннис мамлакатига айланмоқда». «Теннис узининг яна бир Ватанини кашф этди». «Қисқа давр ичида Узбекистон теннис ривожланишида қўплаб мамлакатларни ортда қолдирди». Шундай ва шунга ўхшаш сўзларни сунгги вақтда кўплаб эшитмоқдамиз. Бу чинми, ё афсона?! Лекин шу кунларда пойтахтимизнинг муҳтшам иншоотларидан бири — «Юнусобод» теннис кортига ташриф буюрган мухлислар бу саволга жавоб топмоқдалар.

Ҳа, мамлакатимизда теннис жуда тез сурьатда ривожланмоқда. «Челенжер» туркумидаги турнирлар, «Ҳавас» соврини ана шу тараққиётнинг бир намунасидир. Лекин, юртимизда учинчи бор ўтказилаётган «Президент кубоги» турнирининг аҳамияти узгачадир. Сезган бўлсангиз, йилдан йилга кучли спортчиларнинг ушбу мусобакага болган қизиқишлари ортиб бормоқда. Биринчи турнирда биринчи юзликка кирувчи спортчи мусобақанинг биринчи ракеткаси ҳисобланган бўлса, иккинчи турнирда биринчи элликталикка кирувчи теннисчи, учинчи турнирда эса ПТА руйхатида ун олтинчи уринни эгаллаётган Феликс Мантилла мусобақанинг биринчи ракеткачиси сифатида майдонга тушиши, унинг аҳамиятидан далолат беради. Юртдошларимиз О.Огородов, Д.Тамашеевич, В.Куценколар ҳам узларининг дастлабки галабалари билан барчани хушнуд этишди.

Олег Огородов италиялик Фабло Магтини, Дмитрий Тамашевич америкалик Девен Бовенни, Вадим Куценко эса италиялик П.Тилеманни мағлубиятга учратди.

Лекин, ҳамюртларимиздан кейинги босқичда омад юз ўгирди. Огородов испаниялик Жуан Антонио Маринга, Куценко французлик Анкиэга имкониятни бой беришди. Ҳамма-сидан ҳам Дмитрий Тамашевичга оғир кечди. Унинг рақиби турнирнинг биринчи ракеткаси испаниялик Феликс Мантилла ҳамюртимизнинг қаршилигини бемалол бартараф этаолади. Ҳисоб эса: 6/1, 6/3.

Шунга қарамай, биз мусобақанинг жуфтли баҳсларидан катта натижалар кутиб қоламиз. Зеро, Дмитрий Томашевич ва Вадим Куценко ҳозиргача мусобақаларда муваффақиятли қатнашмоқдалар. Ҳамюртларимиз Темур Ғаниев (Узбекистон) — Офер Села (Исроил) жуфтлигини 6/3, 6/1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Эртага финал. Демак ғолиблар ҳам эртага аниқланади.

Суратқаш: Алишер Рисқиев.

Байрам шодиёнаси

Газета саҳифаланаётганда

СОҲИБҚИРОН МАДҲИ

Узбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси Андижон вилоят булими ҳамда вилоят ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда Амир Темур тавалудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказган ижодкор ёшларнинг курик-танлови ниҳоясига етди.

Курик-танловга вилоятда яшаб, ижод қилаётган ёшлар, публицист, журналистлар иштирок этдилар. Вилоят ёзувчилар уюшмаси улар тақдим этган асарларни ўрганиб чиқиб, уринларга тавсия этди. Биринчи ўрин шоира Муҳаббат Отамирзаеванинг «Амир Темурнинг сунгги васияти», ҳамда «Она юрт мадҳияси» шеърий асарларига берилди. Иккинчи ўрин журналист Умида Йўлчиевага, учинчи ўрин — Андижон Давлат Университети талабаси Одина Тухтаназаровага насиб этди.

Танловда иштирок этган бошқа истеъдодли ёшларга ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар ажратилди.

(Ўз мухбиримиз).

Муносабат

«ИНСОН, СИЁСАТ, БОШҚАРУВ»

Улкамизда юз бераётган узгаришларни чуқур идрок этиб кўп бобли китобларда ёритишни давр тақозо этмоқда. Шу билан бирга, катта нарсаларни тўла-тўкис кўра олиш учун масофа, баландлик зарур булганидек, ҳаётимизда содир булаётган тарихий воқеаларнинг туб моҳиятини ўрганиш, тадқиқ қилиш учун давр «масофаси», «чўққиси» зарурлиги ҳам ўз-ўзидан маълум. Шу боис бугунги ҳаёт манзараларини жаҳонда содир булаётган воқеалар билан боғланган ҳолда тавсиф этишни мақсад қилиб қўйган олим ва жамоат арбоби Алишер Файзуллаевнинг «Инсон, сиёсат, бошқарув» («Узбекистон» нашриёти 1995 й.) китобини қизиқиш билан ўқидим, теран мушоҳадалардан озиқ олдим, публицистик эҳтирос билан ёзилган сатрлардан завқландим, муаллифнинг элимизга, халқимизга булган зўр меҳрини сезиб турдим.

Замоннинг долзарб масалаларига бағишланган туркум очерклар ижод этиш учун назарий билим, ҳаётий тажриба, қалам тебратиш қобилияти зарур, албатта. Шу билан бирга, биз тилга олган тўплам қалам соҳибидан мустақил Узбекистоннинг менталитети, унинг суверен давлат сифатида пайдо булиши ҳамда ривож топа бошлашининг халқаро миқёсдаги аҳамияти, юртимизнинг геополитик жойлашувининг узига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ижод этишни талаб этган.

Хорижий мамлакатларда булган ва уларнинг турмуш тарзини, иқтисодиёти ҳамда таълим тизимини, бошқарув усулларини ва демократия кўринишларини ўрганган публицист бу вазифани бажарганини кўрдик. Китобни ўқиш давомида муаллифнинг Ватанга садоқатини, унинг тарихига ҳурмат ва ифтихор билан қарашини, бугунги кунни ардоқлашини, ҳурриятга эришган юртимизни мадҳ этишини ҳис этиб турганимизни алоҳида қайд этиш лозим. А. Файзуллаевда устун турган ана шу ватанпарварлик ҳис-туйғулари ҳамда у ноёб ҳужжатлардан, тарихий манъбалардан уз урнида фойдалана олгани туфайли Узбекистоннинг узга мамлакатлар билан муносабат ўрнатиш тамойиллари, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш йўлида қўйилаётган дадил қадамлар самара бераётгани очиқ-ойдин таърифланган.

«Ташқи сиёсатимизнинг муҳим йўналишларидан бири — жаҳонда Узбекистон, унинг иқтисодий имкониятлари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш, ҳукуматнинг ички сиёсатини тушунтиришдан иборат» — деб ёзади муаллиф ва бу масала қандай ҳал этилаётганини очерклар тўплами имкониятлари даражасида бажаришга интилади. Дарҳақиқат, китобни мутолаа қилар, унинг сўнгги саҳифаларини варақлар экансиз, иқтисодий билимингиз ортганини, Узбекистон бировлардан кредит сураб эмас, ўз имкониятларидан келиб чиқиб, замонавий инфраструктурани шакллантириш, Узбекистоннинг экспорт қувватини ошириш, турли мамлакатлар билан ўзаро фойдали алоқалар ўрнатиш, илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш кабилар иқтисодий ҳаётнинг бугунги қиёфасига тавсиф берганини англаймиз. Тўпламда муайян мисоллар, назарий мушоҳадалар борки, улар бу хусусда фикр юритишга ундайди, мустақил ўлканинг истиқболи, кўзда тутилиб қилинаётган ишлар концепцияси билан таништиради.

Тўпламда қаламга олинган ва шижоат ила таърифланган бир-икки масалалар бу. Газета саҳифаси чеклангани боис биз муаллифнинг маданият ва таълим-тарбия, менеджерлик касби ва соғлом рақобат, этика муаммолари, шахс ҳамда муҳитнинг мураккаб муносабатлари ҳақида айтилган оқил сўзларига мурожаат этишга имкон тополмадик. «Узбекистон» нашриёти бор-йўғи уч минг нусхада чоп этган мазкур китобдан кенг жамоатчилик воқиф булиши фойда келтиришига ишониб, ушбу ушоқ тақризни битдик.

Ҳамидулла АКБАРОВ,
профессор.

Бировнинг ҳаққи...

АЙБДОРЛАР ЖАЗОСИЗ ҚОЛИШМАЯПТИ

Чунки Термиз шаҳар солиқ инспекциясида серғайрат ва қаттиққўл ёшлар ишлайдилар

Уни ҳатто отасини ҳам аямайди, дейишади. Бу қаттиққуллик Зокир Ғаффоровда қандай пайдо булди экан? Эҳтимол, Афғонистонда кечган аскарлик йилларида пайдо булгандир?

Мана бугун ҳам кўра-била туриб харидорнинг ҳақига кўз олайтирган сотувчига ҳеч қандай раҳм-шафқат қилгани йўқ.

— Ака илтимос, бир мартага... кечиринг.

— Ҳеч қандай илтимос-пилтимос қабул қилинмайди!

— Сотувчи ҳайрон қолди: «Айрим текширувчилар «подход» қилсангиз хўп майли, деб кетаверишади. Бу йигит булса...

Аммо, Зокир гапида туриб олди. Дарҳол далолатнома ёзишга киришди. Унда Ангор туманидаги нон заводи сотувчиси З. Ҳиматов харидор ҳақидан ўттиз сум ўриб қолганлиги аниқ ёзиб қўйилди. Ҳужжатлар Термиз шаҳар прокуратурасига юборилди...

... Зокир Ғаффоров эрталабидорага келса, солиқ инспекцияси бошлиғи муовини Саттор Маҳматшоев кабинетда уни кутиб ўтирган экан.

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг кейинги қарори шаҳардаги хизмат кўрсатиш нуқталарида қандай ҳужжатлар ишлаётганлигини синчиклаб текшириб келинг.

Зокир Ғаффоров дарров иш режасини тузиб чиқди. Чунки, у текшириши зарур булган хизмат кўрсатиш нуқталарида ишлаётганлар анойи эмас. Уни алдашлари, чап беришлари, журттага жанжал чиқаришга уринишлари иш тажрибасидан маълум.

Ўйлаб, режалаштириб қилинган ишнинг самараси кунгилдагидек булди. Жойларда бир талай нуқсонлар борлиги аниқланди. Мана айрим мисоллар. «Жайҳун» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 1-дукон сотувчиси Г. Шаматова харидорни алдаш усулини эндигина машқ қилиб кураяпти. Шу сабабли у бир кишидан бор-йўғи йигирма уч сум олтмиш уч тийин уриб қолиш билан кифояланди. Шу ҳиссадорлик жамиятига қарашли 4-дукон сотувчиси Т. Отамуродов айримларнинг чўнтагига кўз олайтирадиган кишилардан бири эканлиги равшан булди. У ун-ун беш сумни назар-писанд қилмайди. Ҳатто бир харидордан қирқ бир сум саксон икки тийин умариб қолганида пинагини бузмади. Унинг «Торгмортранс» жамоа корхонасида ишловчи ҳамкасби Парда Туропов нафс балосига гирифтор булганлардан бири экан. Ундан бир киши атиги беш дона ароқ сотиб олган эди. Парда булса, кўзини чирт юмиб, ёлгон гапиришдан узини тия олмади. Оқибатда харидорнинг қирқ сумини ортиқча олиб қолганлиги аниқ булди. Пардани-нг дукони тафтиш қилинганда сир ошкор булиб қолди. У уч минг олти юз олтмиш сум камомадга йўл қўйганлиги аниқланди.

«Сурхон» озиқ-овқат ҳиссадорлик жамиятига қарашли тижорат маркази сотувчиси С. Иброҳимовани қўй оғзидан чўп олмайдиган беозор киши деб ўйлашар эди. Одамнинг оласи ичида экан. С. Иброҳимова харидорга ун литр пахта ёғи сотди. «Мана энди зўр булди — бойиб кетаман, ҳар бир кишидан қирқ-эллик сумдан юлиб қолаверсам бир куннинг узида ун минг сумни шилиб оламан! Қани кейин менга тенг келадиган миллионер булади-ми?» У харидорнинг қирқ олти сум етмиш тўққиз тийинини ортиқча олиб қолганда бундай орзулари чиппакка чиқди.

Баъзи савдо ходимлари эса молларни ҳужжатсиз сотишдан тап тортмайдилар. «Обиҳаёт» фирмасига қарашли дукон сотувчиси Э. Абдураҳматов, «Маърифат» фирмаси дукони сотувчиси Ж. Қурбонов спиртли ичимликларнинг ҳужжати булмаса ҳам беҳовга раҳм-шафқат қилмадилар. Уларнинг ҳар бири етти юз эллик сумдан жарима тулашига тўғри келди.

Шу корхонада бошқа нуқсонлар ҳам оз эмаслиги солиқчиларнинг эътиборидан четда қолмади. Корхонага қарашли 43—05 СДА русумли такси машинаси ҳайдовчиси А. Аброров йуловчини ун бир чақирим узоқликдаги манзилга олиб борди. Аммо, ундан ҳақ олишда негадир гирромлик қилди. Ҳайдовчи уялмай-нетмай йуловчининг пулидан ўттиз сум ошиқча олиб қолди.

Термиз шаҳар солиқ инспекцияси савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарини назорат қилиш булимига етакчилик қилиб, доимо нуқсонларга муросасиз булаётган Зокир Ғаффоров эндигина ўттиз ёшга тулаяпти. Аммо, ёш булишига қарамасдан елиб-югурадиган, меҳнатдан чарчамайдиган, қаттиққўл булганлиги учун узи ишлаётган жамоа аъзолари ўртасида обру орттирган.

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири.

Узбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви жамғарманинг Навоий вилояти булими раиси муовини Камолиддин Юсуповга опаси

РАВЗА ЭШМАТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Абдумалик БОБОЕВ,
навбатчи: Баҳодир ШОЙИМОВ.

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58;
хатлар булими — 36-54-64;
тижорат булими — 33-79-69; ижодкор ёшлар булими — 36-54-64; спорт, харбий ватанпарварлик булими — 36-58-93, котибият — 36-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—34
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. — 0500.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 8913.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти — 21.00

123456